



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- | | |
|---|---|
| <p>12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ</p> | <p>6 БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ
Парламент тадқиқот хизматлари
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили</p> <p>14 НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ
Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов
ҳуқуқлари бузилганини түғрисидаги ариза
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби</p> <hr/> <p>24 ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ
Общая характеристика plagiat как
правонарушения и его виды</p> <p>32 ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖНОНОВНА
Командитное товарищество как институт
инвестирования: законодательство и практика
применения Федеративной Республики
Германия</p> <hr/> <p>42 БАБАКУЛОВ ЗАФАР
КУРБОННАЗАРОВИЧ
Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс
талабларининг илмий ва амалий таҳлили</p> <hr/> <p>56 ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ
Харбий суд: кеча ва бугун</p> <p>66 ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ
Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик
ижроси устидан прокурор назоратининг
ҳуқуқий асослари</p> |
|---|---|

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI.
PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI
MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA
SUD EKSPERTIZASI

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД ОРИФ ЎГЛИ**
Хорижий давлатлар қонунчилигига айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари
- 91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН КУРАМБОЙ ЎГЛИ**
Айрим хорижий давлатларда маҳқумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили
- 100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМАТОВНА**
Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект
- 109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН ХАЙИТБАЕВИЧ**
Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари
- 122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**
Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиити
- 132 **ВАЛИЖНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**
Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

141 САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ

Общие теоретические аспекты коррупции в органах государственного управления

DAVLAT DASTURLARI

150 ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ

О значении реформирования законодательства об административных процедурах в свете стратегических приоритетов развития страны

UDC: 347.9(042)(575.1)
ORCID: 0000-0003-1106-6972

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ибрагимов Диёрбек Шухрат ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
академияси таянч докторанти;
e-mail: diyorbekibragimov808@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва қонуний манбаатларини таъминловчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар таҳлили баён этилган. Шунингдек, уларнинг хуқуқ ва эркинларини таъминлашда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириши таъминловчи хуқуқий асослар тизимли равишда ўрганилган бўлиб, уларни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасидаги фаолияти юзасидан айрим ташкилий масалалар таҳлилий статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Қайд этилишича, вояга етмаганлар соҳасидаги айрим назорат объектлари фаолиятида бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари учрамоқда. Хусусан, 2020 йил давомида прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда ўтказилган текшириш натижаларига кўра, 100 дан ортиқ қонунга зид ҳужжатлар прокурор протестига кўра бекор қилиниб, 150 га яқини қонунга мослаштирилган. Шу боис вояга етмаганлар билан бевосита фаолият кўрсатувчи давлат идоралари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ташкил этилишини таъминлаш мақсадида айрим норматив ҳужжатларни тақомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, хуқуқий асослар, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар, прокурорлик фаолияти.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Ибрагимов Диёрбек Шухрат угли,
докторант Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье представлен анализ нормативно-правовых актов, обеспечивающих права и законные интересы несовершеннолетних в нашей стране. Также при обеспечении их прав и свобод систематически изучалась правовая база, обеспечивающая осуществление прокурорского надзора за исполнением законодательства о несовершеннолетних со стороны прокуратуры, и разработаны предложения по их совершенствованию. Кроме того, на основе статистических данных были проанализированы некоторые организационные вопросы, связанные с деятельностью органов прокуратуры в сфере законодательства о несовершеннолетних. Отмечается, что ряд случаев нарушений закона в деятельности некоторых надзорных органов в сфере имеет последствия. В частности, по результатам проверки, проведенной органами про-

куратуры в межведомственных комиссиях по делам несовершеннолетних за 2020 год, по протесту прокурора было отменено более 100 документов, противоречащих закону, и около 150 были адаптированы к закону. Поэтому в целях обеспечения четкой и единообразной организации законодательства государственными органами, непосредственно работающими с несовершеннолетними, были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию отдельных нормативных документов.

Ключевые слова: прокурорский надзор за исполнением законодательства о несовершеннолетних, правовые основы, нормативно-правовые акты, безнадзорность, правонарушения среди несовершеннолетних, прокурорская деятельность.

LEGAL BASIS OF PROSECUTOR'S SUPERVISION OVER THE EXECUTION OF LEGISLATION ON MINORS

Ibragimov Diyorbek Shuxrat o'g'li,
PhD student of the Academy of the General
Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article presents an analysis of the regulatory legal acts that ensure the rights and legitimate interests of minors in our country. Also, while ensuring their rights and freedoms, the legal framework was systematically studied, ensuring the implementation of prosecutorial supervision over the implementation of the legislation on minors of the prosecutor's office, and proposals were developed for their improvement. In addition, on the basis of analytical statistical data, some organizational issues related to the activities of the prosecutor's office in the field of minors were analyzed. It is noted that a number of cases of violations of the law in the activities of some supervisory bodies in the field of minors are fraught. In particular, according to the results of an audit carried out by the prosecutor's office in the interdepartmental commissions on juvenile affairs in 2020, more than 100 documents that contradict the law were canceled at the protest of the prosecutor, and about 150 were adapted to the law. Therefore, in order to ensure a clear and uniform organization of legislation, state bodies directly working with minors have developed proposals and recommendations for improving certain regulatory documents.

Keywords: prosecutor's supervision over the implementation of minors' legislation, legal basis, regulatory legal acts, neglect and delinquency among minors, prosecutorial activities.

Кириш

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини таҳлилий ўрганиш, уни такомиллаштириш ушбу соҳада прокурор назорати самарадорлиги ошишига хизмат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар соҳасида қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда унинг ҳуқуқий асоси сифатида Конституциянинг ўрни бекиёс. Чунки Конституция олий юридик қучга эга бўлган ҳуқуқий хужжат ҳисобланади.

Конституция, аввало, юридик мазмун ва моҳиятга эга бўлган хужжатdir. У давлатнинг асосий қонуни сифатида

бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларининг ўзагини ташкил этади, ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг устувор принципларини белгилайди. Шу сабабли барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар Конституцияга мувофиқ чиқарилиши лозим [1, 52-б.]. Шу боис Ўзбекистонда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат соҳасида фаолиятни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар тизимида конституциявий нормалар мухим аҳамият касб этади.

Хусусан, Конституциямизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, давлат ва жамият етим болалар

ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишлиган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради деган нормаларнинг белгиланганлиги мамлакатимизда вояга етмаганларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, етук инсон бўлиб етишишига муҳим эътибор билан қаралишини англатади.

Тадқиқотнинг мақсади

Ушбу тадқиқотнинг асл мақсади Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминловчи норматив-хуқуқий хужжатларни ўрганиш, шунингдек, прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасидаги прокурор назоратини амалга оширишини таъминловчи норматив хужжатларни таҳлил қилиш орқали унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидир.

Адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва унинг хуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид масалаларни Б.Х. Пўлатов, С.М. Астонов [2], вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-хуқуқий асосларини Д. Турахонов [3], вояга етмаганлар хуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳалқаро стандартларини А.Р. Раҳмонов [4], Н. Дўсмухамедова, бундан ташқари, бир қатор муаллифлар жамоаси Ўзбекистон миллий қонунчилигига боланинг хуқуқий мақоми юзасидан тадқиқотлар ўтказишиган [5]. Шунингдек, А.С. Арутюнян [6] ҳамда А.В. Ермаковлар ҳам [7] вояга етмаганлар соҳасида прокурор назоратининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилишган.

Материал ва методлар

Тадқиқот иши давомида Ўзбекистон Республикасида прокуратура органлари-

нинг вояга етмаганлар соҳасида фаолиятини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлил қилинган бўлиб, фаолиятдаги айrim қонун бузилиши ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура расининг расмий статистик ҳисоботларидан фойдаланилган.

Тадқиқот иши тизимли-таҳлилий, қиёслаш, статистик усувлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни бевосита хуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди. Мазкур қонуннинг З-моддасига асосан, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланади. Мазкур норматив-хуқуқий хужжатлар прокуратура органларида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг хуқуқий асосларини ташкил этади. Шунингдек, ушбу қонунда прокуратура органларининг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорнинг ваколатлари белгилаб берилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар соҳаси қамрови жиҳатидан кенг соҳа ҳисобланади. Хусусан, Б. Пўлатовнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида белгиланган прокуратура органларининг асосий вазифаларини вояга етмаганлар соҳасига татбиқ этган ҳолда қуйидаги-ча белгилаш мумкин [8, 10-б.]:

– вояга етмаганларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатини таъминлаш;

- қонунда белгиланган тартибда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, жавобгарликка тортиш ва уларни тарбиялашга масъул бўлган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

Шу билан бирга, А.Д. Давлетов ҳам вояга етмаганлар соҳасининг кенг қамровлиги ҳақида тўхталиб, прокурор ваколатларини амалга оширишда прокурордан фаоллик талаб қилиниши, чунки ўсмирлар ҳар доим ҳам бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш ва тиклашга эриша олмаслигини, ҳуқуқлари таъминланиши учун қўшимча кафолатларга муҳтожлигини [9, 281-б.] айтиб ўтган.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар соҳаси, юқорида қайд этилганидек, кенг қамровли соҳа бўлиб, мазкур соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда вояга етмаганларга оид бошқа қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органларига қўшимча вазифа ва масъулият юклайди. Бу жиҳатга А.Б. Комилов эътибор қаратиб, шундай изоҳлаган: қонулар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурор фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш маҳсус ҳуқуқий ҳужжат сифатида “Прокуратура тўғрисида”ги қонун билан қамраб олинади ва бошқа қонунларда уларга риоя этилиши устидан прокуратура назоратини амалга ошириш учун алоҳида кўрсатма берилиши талаб этилмайди [10, 50-б.]. Дарҳақиқат, нафақат вояга етмаганлар соҳасида, балки прокурор назоратининг барча йўналишларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, ушбу қонун асосида қабул қилинган Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари бево-

сита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган нормалар қонунлар ижроси устидан назорат, шунингдек, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг давомий ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, оила кодекслари, шу жумладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларида ҳам белгиланган. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганлар соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиши билан бир қаторда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонунлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлиги, ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигига қарши курашишда алоҳида ўрин тутади.

Хусусан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини тако-

миллаштириш каби бир қатор мұхым вазифалар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланди. Н. Дўсмухамедова таъбири билан айтганда, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун халқаро ҳуқуқ нормалари асосида яратилар экан, БМТ низоми барча давлатлар учун халқаро Конституция бўлгани каби, ушбу қонун ҳам болалар учун ўзига хос Конституция вазифасини ўтайди [11, 278-б]. Бизнингча ҳам, мазкур қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқий кафолатларини белгилаб бериш билан бир қаторда, вояга етмаганларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат идоралари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Таъкидлаш лозимки, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишда соҳада фаолият юритувчи маҳсус ваколатли давлат идоралари мұхим ўрин тутади. Мамлакатдаги деярли барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари таркибида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли жиноий оқим ва гоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишда яқиндан ёрдам кўрсатиш фаолиятига асос солинган [12, 56-б.].

Бу борада “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун прокуратура органларига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширишда бевосита ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига кўра, прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қи-

лишдан иборатdir. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади. Бу борада республикада вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда умумий ва ўрта маҳсус таълимдан бош тортиб, сурункали дарс қолдирувчи ўқувчиларни аниқлаш, уларни таълимга қайтариш мақсадида тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Ўсмир”, “Давомат”, “Ўқувчи”, “Фамхўрлик”, “Ойна” каби профилактик-огоҳлантирув тадбирлари мунтазам ўtkазиб борилади. Жумладан, С.М. Астановнинг таъкидлашича, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 20%ида жиноят содир этиш вақти вояга етмаганларнинг ўқишида бўлиш пайтига тўғри келса, 80% ҳолларда эса бу кўрсаткич уларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтига тўғри келади [13, 24-б.].

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан 2020 йил давомида вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини бевосита ижрочилар ва кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга етказиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 10 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари, шунингдек, 3 мингга яқин оммавий ахборот воситалари орқали чиқишилар қилинган [14]. Бизнингча, ушбу профилактик тадбирлар прокуратура органлари томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликнинг олдини олишда ўзининг ижобий натижасини беради. Шу ўринда С. Хўжақуловнинг ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этил-

майди, асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан қурашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир [15, 179-185-б.], деган фикрлари қанчалик ўринли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган норматив-хуқуқий ҳужжатларда прокуратура органларининг вояга етмаганлар соҳасида қонунларга риоя этилишини назорат қилиш масалалари бевосита кўрсатиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни 9-моддасида прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимиға киради. Бундан ташқари, прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади, ёшларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар соҳасида прокурорлик фаолиятини хуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари каби қонуности ҳужжатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ПҚ-2833-сонли қарори билан тасдиқланган “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар”ни низомга кўрунганни ўрганиб боришни талаб этади. Хусусан, 2020 йил давомида прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда ўтилган текшириш натижаларига кўра,

низамга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Республика комиссиясининг ишчи органи, Бош прокурор ўринbosари эса Республика комиссиясининг раиси этиб белгиланиши вояга етмаганлар соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтиришни тақозо этади. Шунингдек, ушбу низомга асосан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг асосий вазифалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриијтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан ёмон аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишдан иборатдир.

Професор Б. Пўлатовнинг таъкидлашича, вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратининг энг муҳим йўналиши вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар фаолиятида қонунчиликка риоя қилишни таҳлил қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади [16, 49-б.]. Дарҳақиқат, ушбу соҳада қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш Комиссиялар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Маълумки, ҳудудий комиссиялар масъул котиблари турли хил мутахассислик вакиллари ҳисобланади. Бу эса прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялари қабул қилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ўрганиб боришни талаб этади. Хусусан, 2020 йил давомида прокуратура органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларда ўтилган текшириш натижаларига кўра,

100 дан ортиқ қонунга зид хужжатлар прокурор протестиға күра бекор қилиниб, 150 га яқини қонунга мослаштирилган [17].

Бу борада Ю.В. Дадаева вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар фаолиятида учрайдиган муаммалардан бири сифатида комиссия котибларининг баъзи ҳолатларда расмий ҳужжатларни тузишда кўплаб хатоларга йўл қўйишиларини таъкидлаб ўтган бўлса [18, 74-б.], С.Л. Банщикова комиссия котибларининг олий юридик маълумотга эга эмаслиги билан изоҳлаган [19, 107-б.]. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар вояга етмаганлар ишлар бўйича идоралараро комиссиялар котиблари сифатида фаолиятни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш зарурки, Бош прокурорга бундай ваколат Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни билан берилган бўлиб, ушбу қонуннинг 13-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилиши ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириши билан бирга, соҳага оид буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

Хуносалар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 139-сонли буйруғида вояга етмаганлар соҳасида прокурор назорати самарадорлигини оширишга қаратилган қатор талаблар баён этилган [120, 456-465-б.]. Хусусан, қону-

нийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Шунингдек, мазкур назоратни амалга оширишда вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш, ижтимоий муҳофазаси, таълими, маънавий ва жисмоний ривожланиши, етим болалар ва ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш соҳасида, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўtkазишда қонунийликни таъминлаш соҳаларида назоратни амалга ошириш вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар прокуратура ходимларига ушбу соҳада назоратни амалга оширишда масъулиятли ёндашишни талаб этади. Зеро, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат вазифаларининг бажарилишидаги прокурор ваколатлари жуда кенг бўлиб, улар назорат соҳаларининг у ёки бу йўналиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, прокурор ваколатларини амалга оширишда прокурордан фаоллик талаб қилинади, чунки ўсмирлар ҳар доим ҳам бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш ва тикилашга эриша олмайдилар, ҳуқуқлари таъминланиши учун қўшимча кафолатларга муҳтождир.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар вояга етмаганлар соҳасида прокурор назорати-

ни ташкил этиш ва амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг муҳим хуқуқий пойдевори ҳисобланади ва ўз нав-

батида, улар мунтазам равишида такомиллаштириб борилиши талаб этилади.

REFERENCES

1. Mamatov X.T. Konstitutsiyaviy huquq. Mas’ul muharrir A.X. Saidov. [Constitutional law. Editor-in-Chief A.X. Saidov]. Tashkent, Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, 52 p.
2. Po’latov B.X., Astonov A.S. Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati. Amaliy qo’llanma. [Prosecutor’s supervision over the execution of legislation on minors. A practical guide]. Tashkent, 2018, Lesson press Publ.
3. Turaxonov D. Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazoratini tashkil etish. [Organization of Prosecutor’s supervision over the execution of legislation on minors]. Tashkent, IMPRESS MEDIA Publ., 2021.
4. Rahmonov. Voyaga yetmaganlar huquqlarini himoya qilishning xalqaro-huquqiy masalalari. Voyaga yetmaganlar va yoshlarning huquqlarini himoya qilish tizimi: muammolar va yechimlar. [International legal issues of protection of the rights of minors: problems and solutions]. Tashkent, “KOSAUDITINFORM-NASHR” Publ., 2008.
5. Do’stmuhamedova N. O’zbekiston milliy qonunchiligidagi bolaning huquqiy maqomi. Voyaga yetmaganlar va yoshlarning huquqlarini himoya qilish tizimi: muammolar va yechimlar. [Legal status of a child in the national legislation of Uzbekistan. The system of protection of the rights of minors and youth: problems and solutions]. Tashkent, “KOSAUDITINFORM-NASHR” Publ., 2008.
6. Arutyunyan A.S. Prokurorskiy nadzor za ispolneniem zakonodatelstva o nesovershennoletnih. (problem teorii i praktiki). Diss. ... kand. yur. nauk. [Prosecutor’s supervision over the execution of legislation on minors. (problem of theory and practice)]. Moskow, 2012, Dissertation.
7. Yermakov A.V. Organizatsiya prokurorskovo nadzora v sfere zashchityy prav nesovershennoletnih. Diss. ... kand. yur. nauk. [Organization of prosecutorial supervision in the field of the protected rights of minors]. Moskow, 2007, Dissertation.
8. Po’latov B.X., Astonov A.S. Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati. Amaliy qo’llanma. [Prosecutor’s supervision over the execution of legislation on minors. A practical guide.] Tashkent, Lesson press Publ., 2018, 10 p.
9. Davletov A.D. Pokurorskiy nadzor. Uchebnik. [Prosecutor’s supervision]. Textbook. Nukus, 1999, pp. 280-281.
10. Komilov A.B. Tadbirkorlarni huquqiy himoya qilishga qaratilgan qonunlar ijrosi ustidan prokuror nazoratining tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish. Diss. ... yur. f. n. O’zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi Akademiyasi. [Improving the organizational and legal basis of prosecutorial supervision over the execution of laws on legal protection of entrepreneurs] Dissertation. Academy of the General Prosecutor’s Office of the Republic of Uzbekistan, 2020, 10 p.
11. Do’stmuhamedova N. O’zbekiston milliy qonunchiligidagi bolaning huquqiy maqomi. Voyaga yetmaganlar va yoshlarning huquqlarini himoya qilish tizimi: muammolar va echimlar. [Legal status of a child in the national legislation of Uzbekistan. The system of protection of the rights of minors and youth: problems and solutions]. Tashkent, “KOSAUDITINFORM-NASHR” Publ., 2008, 278 p.
12. Umarov T.A. Ota-onal qaromog’isiz qolgan bolalarning huquqlarini himoyalashda kuratorlik funksiyasini takomillashtirish istiqbollari. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. [Prospects for improving the curatorial function in the protection of the rights of children left without parental care]. Tashkent, 2007, 56 p.
13. Astonov A.S. Bolalarning ma’naviy va jismoniy rivojlanishida axborot xavfsizligini ta’minlashning dolzarb masalalari. Ilmiy-amaliy konf. mater. [Current issues of information security in the spiritual and

physical development of children]. Materials of the scientific-practical conference. Tashkent, Chashma print Publ., 2017, 24 p.

14. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining 2021-yil 29-yanvardagi 7-180861/21-sloni xati doirasida Bosh prokuraturaning Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan nazorat boshqarmasining hisobot ma'lumotlaridan olingan. [According to the letter of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan dated January 29, 2021 No. 7-180861 / 21, it is taken from the report of the Office for Supervision of the Implementation of the Law on Minors of the Prosecutor General's Office.]

15. Xo'jaqulov S.B. Jinoyatlarni sodir etilishi sabablari va ularga imkon berayotgan shart-sharoitlarni bartaraf etish to'g'risidagi kiritiladigan taqdimmomalarning ilmiy-amaliy tahlili. Jinoyat va jinoyat-protsessual qonunchilikni liberallashtirish – inson huquq va erkinliklarini ta'minlash kafolati: Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. [Scientific and practical analysis of the submitted proposals on the causes of crimes and the elimination of the conditions that allow them]. Liberalization of criminal and criminal procedure legislation is a guarantee of human rights and freedoms: Materials of the Republican scientific-practical conference. Tashkent, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2018, pp. 179-185.

16. Po'latov B.X., Astonov A.S. Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan prokuror nazorati. Amaliy qo'llanma. [Prosecutor's supervision over the execution of legislation on minors. A practical guide]. Tashkent, Lesson press Publ., 2018, 49 p.

17. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi yagona hisobtalar portalı. [Single reporting portal of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <http://report.bp.gov>

18. Dadaeva Yu.B. Prokurorskiy nadzor za ispolneniem zakonov o nesovershennoletnih. Problemy nauki. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/prokurorskiy-nadzor-za-ispolneniem-zakonov-o-nesovershennoletnih> [Prosecutor's supervision over the execution of legislation on minors]. Problems of science, 2019. no. 7 (43). 74 p.

19. Bashnikova S.L. Sistema Komissiy po delam nesovershennoletnih i zashite ix prav v Rossii. [Commission for minors and the protection of their rights in Russia]. Vestnik, 2016, no. 3 (19), 107 p.

20. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining 2017-yil 11-sentabrda "Voyaga yetmaganlar haqidagi qonunchilik ijrosi ustidan nazorat faoliyati samaradorligini oshirish to'g'risida"gi 139-sod buyrug'i. O'zbekiston Respublikasi Bosh prokurorining buyruqlari. [Order of the General Prosecutor of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 2017 No 139 "On increasing the effectiveness of supervision over the execution of legislation on minors"] The orders of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan, vol. 1, Tashkent, Tasvir Publ., 2018, pp. 456-465.